

Марғилон шаҳрида Мустақиллигимизнинг 30 йиллик шодиёнаси кенг нишонланди

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган байрам дастурини шаҳар ҳокими табрик сўзи билан очиб, Марғилон шаҳрида сўнгги йилларда турли соҳаларда эришилган ютуқлар, аҳоли туруш даражаси яхшилаш мақсадида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, давлатимиз мустақиликка эришгандан буён Марғилон шаҳрида кўрган кўзни қувонтирувчи кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. “Наврӯз” маҳалласида жойлашган “Ёшлар” кичик саноат зонасида қад кўтараётган 22 та лойиҳа обьектлари, “Орол бўйи” МФЙда бунёд этилаётган ҳунармандлар ва косиблар маркази, кўп қаватли уйлар, мактабгача таълим соҳасида эса қутлуғ тўйга тўёна сифатида шаҳарда фаoliyat бошлаган 30 та оиласиий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари...бу каби ютуқларни яна давом этириш мумкин. Буларнинг барчаси юртимизнинг тинчлиги, халқимиз фаровонлигидан далолатдир.

Байрам тадбири давомида шаҳар Маданият уйи санъаткорлари, шунингдек 8-болалар Мусиқа ва санъат мактабининг истеъдодли ўқувчилари томонидан янграган эрк, озодлик, ҳурлики мадҳ этувчи куй-қўшиқлар оҳангি тадбир иштирокчиларида чинакам байрам кайфиятини уйғотди.

2021-08-28 15:52:45